

**Вохидова Меҳри Хасановна,**

Тошкент давлат шарқшунослик университети  
“Ташқи иқтисодий фаолият ва туризм”  
кафедраси ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари  
бўйича фалсафа доктори PhD

# МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

УДК: 332

## **ВОХИДОВА М.Х. МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИ**

Ушбу мақолада махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмаси, инфратузилманинг зонада саноат ва ташқи савдони ривожлантиришдаги аҳамияти хорижий мамлакатлар мисолида тадқиқ этилган. Махсус иқтисодий зоналарнинг ривожлантиришда унинг инфратузилмаси, ҳудуд савдо ва саноат салоҳиятининг ўрнини тадқиқ этиш тадқиқотнинг мақсади.

Калит сўзлар: махсус иқтисодий зона, инфратузилма, институционал компонентлар (таълим, соғлиқни сақлаш ва инсон капитали); транспорт инфратузилмаси; қаттиқ инфратузилма (йўллар, кўприклар ва телекоммуникация); банк ва нобанк инфратузилма.

## **ВОХИДОВА М.Х. ИНФРАСТРУКТУРА ОСОБЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН**

В статье исследуется инфраструктура особых экономических зон, роль инфраструктуры в развитии промышленности и внешней торговли зоны на примере зарубежных стран. Цель исследования является изучение инфраструктуры особых экономических зон и ее роль в развитии торгово-промышленного потенциала региона.

Ключевые слова: особая экономическая зона, инфраструктура, институциональные компоненты (образование, здоровье и человеческий капитал); транспортная инфраструктура; прочная инфраструктура (дороги, мосты и телекоммуникации); банковская и небанковская инфраструктура.

## **VOKHIDOVA M.KH. INFRASTRUCTURE OF SPECIAL ECONOMIC ZONES**

In the article was discussed the infrastructure of special economic zones, the role of infrastructure in the development of industry and on the example of some countries. The purpose of the study is investigation the infrastructure of special economic zones and its role in the development of trade and industrial potential of the region.

Key words: special economic zone, infrastructure, institutional components (education, health and human capital); transport infrastructure; solid infrastructure (roads, bridges and telecommunications); banking and non-bank infrastructure.

**Кириш.**

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий асосларига мувофиқ, махсус иқтисодий зона — тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд бўлиб ҳисобланади [1].

Инфратузилма (лот. *infra* – остида) — ишлаб чиқариш ва товар муомаласи, шунингдек, инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қилувчи турлитуман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар (ташкilot, корхона ва муассаса) мажмуи; номоддий ишлаб чиқариш секторидир. Инфратузилма хизматлари моддий шаклга эга бўлмаган товарлар бўлиб, улар ҳаётий эҳтиёжларни қондиради. Инфратузилма зарурий шарт бўлганидан унинг ишлаб туришини таъминлашга иқтисодий ресурсларнинг бир қисми жалб этилади. Инфратузилма хизмат кўрсатиш соҳасига кўра ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий-маиший инфратузилмасига ажратилади. Инфратузилма хизмати товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида муҳим ҳисобланади. Унинг асосий вази-фаси инсонга хизмат кўрсатиш, аммо бу иш пулли, бепул ва имтиёзли тарзда бажарилиши мумкин. Инфратузилма хизматларининг характери-га кўра гуруҳлаганда бозор тизимининг инфратузилмаси ажралиб туради. Чунки унда бозор муносабатларини амалга оширувчи хизматлар кўрсатилади. Қайси даражада хизмат кўрсатилишига кўра, корхоналар учун, тармоқ ишлаб чиқариш мажмуалари учун ва ҳудуд учун инфратузилмаларни ажратиш мумкин.

Инфратузилма соҳасида яратилган хизматлар ишлаб чиқариш ва инсон учун наф келтиради. Инфратузилма хизмат кўрсатишини ташкил этиш учун маблағлар сарфланади. Шунинг учун уларни ҳисоблаш мумкин ва улар ялпи миллий маҳсулот таркибига киритилади. Инфратузилмани яратувчи меҳнат ҳам унумли ҳисобланади. Инфратузилма самарадорлиги у кўрсатган хизматларга сарф-харажатлар нисбати орқали аниқланади [2].

Махсус иқтисодий зонанинг (МИЗ) ривожланиши у ташкил этилганга қадар ва у ташкил этилгандан кейин яратилган инфратузилманинг ҳолатига ва жозибадорлигига боғлиқ бўлади. Одатда, саноатни ҳамда ташқи савдони ривож-

лантиришга қаратилган махсус иқтисодий зона-ларнинг инфратузилмасига қуйидагилар ки-ради:

1. Ижтимоий компонентлар (таълим, соғлиқни сақлаш ва инсон капитали) [3];
2. Транспорт инфратузилмаси;
3. Кўчмас инфратузилма (йўллар, кўприклар ва телекоммуникация);
4. Банк ва нобанк молиявий инфратузилма.


МИЗлардаги инфратузилма бир турининг ривожланиши иккинчисининг ривожланиши учун имконият яратади. Масалан, йўллар ва кўприкларнинг сифати транспорт инфратузилмасининг ривожланишига, инсон капиталининг сифати телекоммуникация, банк ва нобанк инфратузилманинг ривожланиши учун имконият яра-тади.

Аммо камчиликлари кўп бўлган инфратузилма салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, Мьянмада электр энергия нархининг юқорилиги мамлакат МИЗлар инвестицион жозибадорлигини бир неча йиллар давомида пасайи-шига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Персонал учун уй-жойларнинг етишмаслиги муаммолардан яна биридир [4]. Бу каби бир қараганда кичик, аммо катта оқибатларга олиб келадиган муаммоларни бошқа ривожланаётган мамлакатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин бўлади. Ушбу тажрибаларни ўрганиш ва ижобийларни бизнинг шароитимизга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.**

Бундай ҳудудларга нисбатан келтирилган илк таъриф 1973 йил 18 майда қабул қилинган “Божхона тартиб-тамоийилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида”ги Халқаро конвенци-яда ўз аксини топган бўлиб, унга мувофиқ эркин зона бу - томонлар ўзаро келишилган ҳудуд бўлиб, унга кириб келадиган ҳар қандай товар божхона ҳудудидан ташқарида кўриб чиқилади [5].

Махсус иқтисодий зонани (МИЗ) тавсифлаб берувчи уч хил фикрлар мавжуд. Биринчи фикр ривожланаётган мамлакатда, солиқ имтиёзлари-дан баҳраманд бўлган кўп миллатли корпорация-лар (ТМК) томонидан жойлаштирилган, тикувчи-лик фабрикаларида ишчилар сифатсиз шароит-ларда ишлаётгани билан тўсиб қўйилган саноат мулкани тасвирлаши мумкин. Аксинча, иккинчи фикр «Шенчженнинг мўъжизаси» ҳақида айти-лиши мумкин. 30 йил ичида балиқчилар қишлоғи 14 миллион кишилиқ мегаполис шаҳарга айла-ниб, жон бошига тўғри келадиган ички маҳсулот

1-расм. Махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмаси<sup>1</sup>.

(ЯИМ) 100 фоизга ўсган, Учинчи фикр, портлари савдо ва логистикага йўналтирилган фаолиятнинг кенг доираси учун асос бўлган Дубай ёки Сингапур каби жойлар ҳақида бўлиши мумкин. Гибралтар, Гамбург ва Сингапур каби хавфсиз савдо йўллари бўйлаб бепул сақлаш ва алмашувни кафолатлайдиган энтрепотлар (ўтиш мар-

казлари) ва шаҳар бўйлаб эркин зоналар асрлар давомида ишлаб келмоқда.

Биринчи замонавий эркин саноат зонаси 1959 йилда Ирландиянинг Шеннон шаҳрида ташкил этилган. 1970-йилларга қадар кўпчилик зоналар саноатлашган мамлакатларида тўпланган эди. Аммо 1970-йиллардан бошлаб, Шарқий Осиё ва Лотин Америкасида бундай зоналар ТМКлар капиталини жалб қилиш учун ташкил этилди. Ушбу

<sup>1</sup> Расм муаллиф ишланмаси.

зоналар импорт ўрнини босувчи сиёсатдан воз кечган ва экспортга асосланган ўсиш сиёсати орқали жаҳон бозорларига қўшилишни мақсад қилган мамлакатларда савдо ва инвестиция сиёсатининг асоси бўлди [6].

Махсус иқтисодий зоналар иқтисодий фаолиятга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, у жойлашган давлатдан фарқли равишда тартибга солинадиган ва бошқариладиган, географик жиҳатдан чегараланган ҳудуд сифатида тавсифланиши мумкин.

Л.А. Кравченко, М.В. Горячих илмий тадқиқотларига мувофиқ, махсус иқтисодий зона - бу ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг махсус режими фаолият кўрсатадиган қисмдир [7].

Сиразетдинов Р.М., Салахиева Л.Р.ларнинг фикрига кўра, махсус иқтисодий зонада давлат инвестицияларининг асосий мақсади инновацион иқтисодиётни, саноатни ва илмий-сармоявий соҳани ривожлантиришдир. Бу қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

- хорижий инвесторларни (капитални) жалб қилиш;
- иш ўринлари сонини таъминлаш (кўпайтириш);
- экспорт маҳсулотларини яратиш, ривожлантириш, кўпайтириш;
- импортни алмаштириш;
- бошқаришнинг янги моделларини тажриба асосида қўллаш, иш юритиш;
- бошланғич тадбиркорларни, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш;

Маълум бир минтақани, шунингдек, маълум бир фаолият соҳасини ривожлантириш учун туртки вазифасини бажаради [8].

Ушбу тадқиқотнинг илмий моҳияти иқтисодий зоналарнинг инфратузилмаси ва унинг ҳудудий савдо ва саноат салоҳиятини ривожлантиришдаги ўрнини тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқот методологияси.**

Махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмасини таҳлил қилиш ва ўрганиш жараёнида анализ, синтез ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар.**

Махсус иқтисодий зонанинг инфратузилмаси ушбу зонанинг фаолияти ва муваффақиятининг асосий қисмини ташкил этадиган омиллардан бўлиб ҳисобланади.

1. Ижтимоий компонентлар-булар соғлиқни сақлаш тизими ва унинг объектларининг мавжудлиги, олий таълим муассасаларининг ва илмий текшириш тадқиқотларининг, персонал учун уй-жойларнинг мавжудлиги, персоналнинг таълим сифати билан тавсифланади.

Корея Республикасининг Инчеон эркин иқтисодий ҳудудини мисол қиладиган бўлсак, ҳудудда Сонгдо мактабгача таълим муассасаси, бошланғич ва ўрта мактаб, шу номдаги шифона фаолият юритади. 35 миллион гектар майдонда турар жойлари, 40 гектар майдонда Марказий парк жойлашган.

Инчеон эркин иқтисодий ҳудудида 20 га яқин коллеж ва университетлар жойлашган.

Россиянинг "Алабуга" махсус иқтисодий зонасидан 7 км узоқликда жойлашган «Уч айиқ» коттежлар қишлоғи, умумий майдони 40,47 гектарни ташкил этадиган коттежлар ва қурилиш учун участкалар тайёрланган. МИЗ ҳудудида жойлашган корхоналар ходимлари учун 64 хонадонли турар-жой биноси ва ташриф буюрувчилар учун меҳмон уйи барпо этилган. Кеча-кундуз видео кузатув билан ҳимояланган ҳудуд.

Алабуга Халқаро Мактаби Халқаро Бакалавр дастурида жаҳон миқёсидаги тренинглари таклиф қилувчи ноёб таълим муассасасидир. Мактабда дунё бўйлаб кўп йиллик тажрибага эга бўлган инглиз тилида сўзлашувчи профессор-ўқитувчилар дарс беришади.

#### **2. Транспорт инфратузилмаси.**

Махсус иқтисодий зонанинг транспорт инфратузилмаси ундаги автомобил йўллари, темир йўлларнинг ва темир станциясининг зона ҳудудида мавжудлиги, халқаро аэропорт, халқаро логистика марказининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Шеньчжень махсус иқтисодий зонасининг транспорт инфратузилмасини тадқиқ этадиган бўлсак, ҳудудда 8 та порт районлари, 3 та логистика парклари мавжуд бўлиб, юк ташиш ҳажми 13,6 миллион тоннани ташкил этади. Зонада халқаро аэропорт ҳам фаолият олиб боради. У йилига 800 минг тонна юкни ташиш имконига эга. Ҳудуддан 147 км узунликдаги темир йўл ҳам ўтган. Шеньчжень автомобиль йўлларининг узунлиги 2,8 минг км.ни ташкил этади, 83 та компания автомобиль ташувлари билан шуғулланади [9].

Транспорт инфратузилмаси ва логистика имкониятлари зонанинг ташқи савдо имкониятларини оширишда муҳим асослардан бири ҳисобланади.

2019 йилнинг дастлабки уч чорагида Хитой жанубидаги Гуандун вилоятидаги Шеньчжень

шаҳрининг ташқи савдо айланмаси 2,11 триллион юанга (298,3 миллиард доллар) етди. Шаҳар экспорти 4,8 фоизга ўсди. йиллик ҳисоботда ва 1,2 триллион юанни ташкил этди. Январдан сентябргача Шеньчженьнинг доимий савдо экспорти ва импорти 1,02 триллион юанни ёки шаҳар ташқи савдо умумий ҳажмидан 48,2 фоизни ташкил этди.

Шеньчженьнинг АСЕАН билан савдоси 307,3 миллиард юанга, Европа Иттифоқи билан 227,6 миллиард юанга (ўсиш 15,5 фоиз) етган.

Шеньчжень ташқи савдосининг барқарор ривожланишини таъминлашда хусусий корхоналар етакчи роль ўйнамоқда. Биринчи тўққиз ойда уларнинг ташқи савдоси ҳажми 5,1 фоизга, йилига 1,22 триллион юангача ўсди.

Белгиланган вақт ичида Шеньчжень 2,47 миллион электр мотоцикл ва электр велосипед экспорт қилди. Бу 54,4 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, шаҳарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти йиллик ҳисоботда январдан сентябргача 11,1 фоизга ошди [10].

3. Кўчмас инфратузилма (йўллар, кўприklar ва телекоммуникация);

Йўлларнинг қаттиқ қопламалар билан қопланганлик даражаси, махсус иқтисодий зонадаги сифатли кўприklar, телекоммуникация, интернет, сув, газ ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Одатда, давлат томонидан махсус иқтисодий зона ташкил этилишидан олдин кўчмас инфратузилма таъминлаб берилиши зонанинг жозибаторлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Масалан, ХХР нинг Чжухай махсус иқтисодий зонаси ҳудудидан Гонконг – Чжухай – Макао халқаро кўпригининг қурилиши 3 соатлик масофанинг ярим соатгача қисқаришига сабаб бўлди [11]. Россиянинг “Алабуга” махсус иқтисодий зонасининг қуввати 350 МВт электр энергияси 1 ва 2 тоифадаги ишончлилик тоифаларига эга. Бепул технологик уланиш, 10 км.дан ортиқ темир йўллар, 30 км биринчи тоифадаги йўллар, 200 км.дан ортиқ муҳандислик тармоқлари, ўзларининг тозалаш иншоотлари бор [12].

4. Банк ва нобанк молиявий инфратузилма.

Замонавий типдаги махсус иқтисодий зоналарнинг фаолияти зонадаги солиқ ва божхона сиёсатига боғлиқ ҳолда ривожланади. Солиқ ва бож ставкалари қанча паст бўлса, МИЗдаги жозибаторлик омиллари шунча ортади.

Масалан “Алабуга”да резидентлар илк 10 йилда ер, мол-мулк ва транспорт солиғидан озод этилади ва фойда солиғидан илк 5 йилликда 2 фоиз имтиёзга эга бўлади. “Дубна” МИЗда божхона пошлинаси 0 фоизни, ҚҚС ҳам 0 фоизни ташкил этади [13].

Инновацион-технологик ҳудудлар ва оффшорлар учун банк тизими, унинг халқаро тўлов тизимларига аъзолиги муҳим аҳамият касб этса, эркин ишлаб чиқариш ҳудудларида Эксимбанкларнинг фаолияти аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, Таиланд тажрибасида бунини яққол кўришимиз мумкин. Мамлакатда ташкил этилган Эксимбанк махсус иқтисодий зона резидентларига паст фоизли кредитлар олиш имконини яратган. Бундай инфратузилманинг мавжуд бўлиши мамлакатдаги ҳудудларнинг инвестицион жозибаторлигини оширишга хизмат қилган [14].

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Жаҳон хўжалигида махсус иқтисодий зоналарнинг сони, уларнинг халқаро савдо ва ҳудуд саноатини ривожлантиришдаги ўрни ортиб бораётган бир даврда, уларни, нафақат, географик жиҳатдан тўғри жойлаштириш, балки махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмасини такомиллаштириб бориш ҳам давлат олдидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмаси таркибига ижтимоий компонентлар, транспорт, кўчмас, банк ва нобанк молиявий инфратузилма объектлари киради. Инфратузилманинг ҳар бир объекти зонадаги маълум бир йўналишнинг такомиллашишида муҳим омил ҳисобланади. Масалан, экспорт ва инновацион фаолиятнинг ривожланишида, кўчмас инфратузилманинг такомиллашиши зона инвестицион жозибаторлигининг ортишига имконият яратади.

Махсус иқтисодий зонанинг инфратузилмасини такомиллаштириш стратегияси хорижий мамлакатларнинг ҳар бирида ўзига хос ёндашувга мувофиқ амалга ошади. Россияда ушбу ёндашув хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида амалга оширилса, Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикасида махсус иқтисодий зоналар орқали ташқи савдони ривожлантиришга қаратилган бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/infratuzilma-uz/>
3. SEZs, Infrastructure Development, and Official Development Aid. <https://opendevelopmentmekong.net/topics/sezs-infrastructure-development-and-official-development-aid/>
4. SEZs, Infrastructure Development, and Official Development Aid. <https://opendevelopmentmekong.net/topics/sezs-infrastructure-development-and-official-development-aid/>
5. «Международная конвенция об упрощении и гармонизации таможенных процедур» (совершено в Киото 18.05.1973) (в ред. Протокола от 26.06.1999) (Пересмотренная Киотская конвенция). [http://atb.uz/тренинги-атб/электронная-библиотека/лав106124\\_0\\_20170905\\_173006\\_53903/](http://atb.uz/тренинги-атб/электронная-библиотека/лав106124_0_20170905_173006_53903/)
6. Thomas Farole, Cokhan Akinci, Social Economiz zones. The World Bank, 2011. -319 p. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/2341/638440PUB0Exto00Box0361527B0PUBLIC0.pdf>
7. Л.А. Кравченко, М.В. Горячих. Особые экономические зоны: зарубежный опыт и перспективы функционирования в России. Вестник ТвГУ. Серия «Экономика и управление». 2017. №4. С. 7–13. <http://core.ac.uk/download/pdf/153142873.pdf>
8. Сиразетдинов Р.М., Салахиева Л.Р. Особые экономические зоны как инструмент инновационного развития национальной экономики: эффективность, тенденции, проблемы и пути их решения // Российское предпринимательство. — 2016. — Т. 17. — № 21. — С. 2827–2836. — doi: 10.18334/рп.17.21.36925
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A8%D1%8D%D0%BD%D1%8C%D1%87%D0%B6%D1%8D%D0%BD%D1%8C>
10. Экспорт южнокитайского города Шэньчжэнь вырос на 4,8 проц. в январе-сентябре 2019 года. [http://russian.news.cn/2019-10/24/c\\_138498673.htm](http://russian.news.cn/2019-10/24/c_138498673.htm)
11. Мост Гонконг-Чжухай-Макао и подводный тоннель. <https://undergroundexpert.info/опыт-подземного-строительства/realizovannye-proekty/gonkong-makao-tonnel-hzmb/>
12. ОСОБАЯ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЗОНА «АЛАБУГА». <https://tida.tatarstan.ru/osobaya-ekonomicheskaya-zona-promishlenno.htm>
13. <http://oezdubna.ru/investors/>
14. Эксимбанк улучшил условия кредитования. <http://www.investeast.co.th/ru/news/349-exim-bank-improves-loan-terms-for-sezs>